

ЗАНГОР ФАСЛ



Ёшлик — зангор фасл, деган эди ўзбекининг ажойиб шоири Рауф Парфи. Унинг зангорлиги нимада? Албатта, мусаффолигида. Халқимиз ёшларни ёзозлаб навиҳол, нава, деб ҳам қўяди. Нега? Чунки одам ёшликда ниҳолдай эгилувчан бўлади. Қай томонга эгсанг, шу томонга бош буради.

⇒ 5-бет

УЙИНГИЗДА КУТУБХОНА БОРМИ?



Ҳа, сотувчи қиз буткул ўзгарганди. У китоб билан сирдош бўлиб тамом бошқача инсонга айланганди. Лекин китоблар унинг гул савдосига зиён-заҳмат етказмади, бадном қилмади. Аксинча...

⇒ 7-бет



БУ ЕР ҲАЛИ ЗҲҮР БЎЛАДИ

Даврон келар гуллаб-яшнаб, Безанади бу ер ҳали. Бизлар тузатмаган билан, Тузалади бу ер ҳали.

Келар унинг ўз эгаси, Ёш, ғайратли янги авлод. Янги даврнинг даҳоси Бу ерларни қилар обод.

⇒ 8-бет

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига

Қадрли дўстлар! Аввало сиз, азизларни касб байрамингиз — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунин билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Сизларга ўзимнинг самимий ҳурматим, эзгу тилакларимни билдириб, машаққатли ва олижаноб фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Барчамизга яхши аёнки, матбуот, оммавий ахборот воситалари иши ҳамма замонларда ҳам оғир ва масъулиятли бўлган. Мамлакатимиз янги тараққиёт босқичига кўтарилаётган, очиқлик ва ошқоралик, сўз ва фикр эркинлиги ҳаётимиз мезонига айланиб бораётган ҳозирги даврда бу масъулият янада кучаймоқда.

Бугунги кунда дунё шиддат билан ўзгармоқда. Барча соҳалар каби ахборот олиш ва уни етказиш, таъсирчан жамоатчилик фикрини шакллантириш борасида ҳам рақобат кескин тус олмоқда. Бундай мураккаб шароитда ҳаёт янги-янги талаб ва вазифаларни олдимизга қўймоқда.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, миллий медиа маконда турли мулк шакли ҳамда сиёсий-ижтимоий йўналишдаги оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият кўрсатиши учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Глобал тармоқда Uz доменли веб-сайтлар, ахборот порталлари сони тобора кўпайиб, улар турли тилларда иш юритмоқда.

Янгича шароитда ахборот соҳасидаги давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида собиқ Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги негизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузурида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ташкил этилганидан хабарингиз бор.

Ушбу агентлик томонидан оммавий ахборот воситалари фаолиятини мувофиқлаштириш, журналистларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хорижий медиа компаниялар билан ҳамкорликни кучайтириш, чет эл веб-ресурслари ва сайтларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиш, бир сўз билан айтганда, ахборот майдонидаги фикрлар хилма-хиллигини таъминлашга қаратилган қатор чоратadbirlar амалга оширилмоқда.

Маълумки, ҳозирги кунда тобора тезкор ва кўп тармоқли соҳага айланиб бораётган оммавий ахборот воситалари учун глобал медиа маконда кескин рақобатга дош бера оладиган, фаол гражданилик позициясига эга замонавий кадрлар тайёрлаш олдимизда турган энг муҳим вазифадир. Ана шу заруратни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети анъанавий билим ва кўникмалар билан бирга, инновацион тафаккур, соҳага оид технологияларни, хорижий тилларни пухта эгаллаган кадрлар тайёрлаш бўйича республикаимиздаги етакчи олий таълим муассасасига айланади, деб ишонамиз.

Кейинги пайтда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида

ҳаётимиздаги ижобий ўзгаришлар таҳлили, соғлом танқидий рух кучайиб бораётгани алоҳида эътиборга лойиқ. Чунки бундай тенденция ислохотларимиз самарасини оширишга, жамоатчилик назоратини, фуқароларимизнинг ижтимоий фаоллигини кучайтиришга хизмат қилади. Энг муҳими, барча даражадаги раҳбар ва мутасаддиларни эл-юрт фикри билан, замон талаблари билан ҳисоблашган ҳолда ишлашга ўргатади.

Албатта, ўзининг билим ва салоҳиятига, ишчанлик фазилатларига ишонган раҳбар танқиддан қўрқмайди, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни халқ билан мулоқотнинг самарали воситаси, деб билади. Аслида ҳам бундай мулоқот тараққиётимизни таъминлайдиган энг асосий омиллардан биридир.

Айни вақтда барчамиз бир ҳақиқатни унутмаслигимиз зарур: ахборот майдонидаги турли баҳс ва тортишувлар, аввало, ҳаққонийлик ва холислик тамойилларига асосланиши, қонун ва одоб қоидалари доирасида бўлиши, шахсий гараз ва хусуматга, сохта обрў орттириш усулига айланиб кетмаслиги, инсон шахси ва шаънини таҳқирлашдан йироқ бўлиши, бундай салбий ҳолатларга бизнинг медиа майдонимизда мутлақо ўрин бўлмаслиги керак.

Ҳаётга доимо сергак кўз билан қарайдиган, халқ ва Ватан манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйдиган сиз, матбуот аҳли, ўйлайманки, бу ҳақиқатни ҳар томонлама чуқур англайсиз.

Яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман, ҳаётимиздаги бугунги улкан ўзгаришлар, ислохотларимиз мантиғи барчамиздан янгича ишлашни, янги ғоя ва ташаббуслар билан майдонга чиқишни талаб этмоқда.

Шу маънода, оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, миллий матбуотимизнинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашига эришиш, Интернет журналистикасини ривожлантириш, ноширлик иши, китоб савдоси, обуна ва тарғибот масалаларида бутун дунёда ўзини оқлаган бозор механизмларини кенг жорий этиш, очиқлик ва соғлом рақобат шароитида ишлашга ўрганиш бўйича биргаликда ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Ўз навбатида, биз оммавий ахборот воситаларининг фаолият эркинлиги кафолатларини мустаҳкамлаш, журналистларнинг машаққатли меҳнатини муносиб баҳолаш ва рағбатлантириш, жамиятда демократик принциплар, фикрлар ва қарашлар ранг-баранглигини таъминлаш борасида олиб бораётган ишларимизни албатта изчил давом эттирамиз.

Азиз ва муҳтарам дўстлар! Сиз, азизларни, сизларнинг тинчликда кўп сонли барча муҳлис ва муштарийларингизни бугунги кўтлуг байрамингиз билан яна бир бор самимий табриклайман.

Барчангизга сўхат-саломатлик, янги ижодий ютуқлар, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунин муносабати билан соҳа ходимларидан бир гурӯҳини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизда демократик тамойиллар, сўз ва матбуот эркинлигини ривожлантириш, халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, аҳолига холис ва ҳаққоний ахборот етказиш, жамият ва давлат идоралари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, янгиланиш ва инновация жараёнларини кенг ёритиш, ёш авлодни она Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист»

Пардабаева Халида Эшанкуловна — «Сирдарё ҳақиқати» газетаси маънавият бўлими мудири, Сирдарё вилояти

Юнусов Темурмалик — Бадиий сўз устаси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»

Отамуротов Икром Исломович — «Шарқ юлдузи» журнали бўлим мудири

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Садиев Махмуд Халикулович — «Маърифат» газетаси бўлим муҳаррири

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Атакулов Ходжимурад Инамович — «Ориат телерадиокомпанияси» масъулияти чекланган жамияти бош муҳаррири, Тошкент шаҳри

Есебаев Куатбай Матекович — Қорақалпоғистон ахборот агентлиги бош муҳаррири

Қудратходжаев Шерзодхон Таджитдинович — «Халқаро пресс-клуб» нодавлат нотижорат ташкилоти раиси

Саидов Зафар Хашимович — «Менинг юртим» нодавлат телеканали бадиий кенгаши масъул котиби

Халилов Абдужалил Вакилович — «Бухоронома» ва «Бухарский вестник» газеталари бош муҳаррирининг ўринбосари, Бухоро вилояти

(Давоми 2-бетда)

Шуқуҳ

Виждон амри билан яшаш, ижод қилиш саодати

Барча соҳаларда амалга оширилаётган жадал ислохотлар самарадорлигини ошириш, жамиятимизда демократия принципларини мустаҳкамлаш, сўз ва матбуот эркинлигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс.

Соҳа ходимлари мамлакатимиздаги янгиланиш жараёнларини чуқур таҳлил асосида ёритиш, аҳолига ҳаққоний ва холис ахборотларни етказиш борасида самарали меҳнат қилмоқда. Бугун бу — нафақат юртимиз аҳли, халқаро жамоатчилик томонидан ҳам кенг эътироф этилаётган воқелик.

4

Юзма-юз

Сўз эркинлиги, соғлом ижодий рақобат ва изланиш журналист фаолиятининг мезонидир

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси Бошқаруви раиси Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ билан суҳбат.



— Фирдавс Фридунович, Президентимиз Матбуот ва оммавий ахборот воситалари байрам табригида журналистларнинг ўз ишига, аввало, холислик билан ёндашиши зарурлиги алоҳида қайд этилган. Дарҳақиқат, ОАВларида ҳаққонийлик ва холислик тамойили устувор аҳамиятга молик бўлмоғи зарур. Шундай эмасми?

— Албатта, Президентимиз матбуот аҳлига йўллаган байрам табригида олдимизда турган энг муҳим вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди. Дунё шиддат билан ривожланаётган, глобаллашув жараёни кенг тус олаётган айни даврда ОАВ халқ билан давлат бошқаруви органлари ўртасида алоқа воситаси, ҳақиқат жарчиси, яъни ошқоралик кўзгуси сифатида жамиятнинг барча бўғинларида етакчи ўрин тутмоқда.

(Давоми 3-бетда)

6

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФармониМатбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати
билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

«Дўстлик» ордени
билан

Абдусаматов Шамиль Мирзаевич — Томди тумани «Тамди шаруагери» газетаси муҳаррири, Навоий вилояти **Атаджонов Азамат Юсупбаевич** — «Gazeta.uz» веб-сайти бош муҳаррири

Гойимов Уралбой Содиқович — «Халқ сўзи» газетасининг тезкор ахборотларни мувофиқлаштириш гуруҳи раҳбари

Магай Алла Владимировна — «Корё Синмун» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари, Тошкент шаҳри

Мисков Вячеслав Юрьевич — «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи чоп этувчиси

Ризаев Наврўз Ибодуллович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» телеканали катта муҳаррири

Саттаров Акрамжон Усманович — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Наман-

ган вилояти бўйича шарҳловчиси

Ташпулатова Назира Курбановна — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика назарияси ва амалиёти кафедраси мудир

«Келажак бунёдкори» медали билан

Худайбердиев Хушнуд Гайратович — Ижтимоий тармоқлардаги «Xushnudbek.uz» саҳифалари администратори

Юсупов Бекзод Дилшадович — «UzNews.uz» веб-сайти бош муҳаррири

«Шухрат» медали билан

Абдурахмонов Абдуғани Абдурашулович — «Xabar.uz» веб-сайти бош муҳаррири

Алибаев Сергей Назаралиевич — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» телеканали бош муҳаррири ўринбосари

Гафурова Рухсора Умирзаковна — Ўзбекистон электрон оммавий ахборот восита-

лари миллий ассоциацияси Ахборот марказининг «Замон» ахборот-таҳлилий дастури муҳаррири

Лапасов Абдушуккур Хужамадович — «Жиззах ҳақиқати» газетаси бўлим муҳаррири, Жиззах вилояти

Мамбетшерипова Назира Абдиганиевна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» телеканали бўлим мудир

Нарматов Усмани Наркулович — «Сурхон тонги» ва «Заря Сурхана» газеталари бирлашган тахририяти масъул котиби, Сурхондарё вилояти

Норқобилов Жамшид Буриевич — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Қашқадарё вилояти бўйича фотомуҳбири

Тешабоев Ахмадали Тешабоевич — «Фаргона ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири, Фаргона вилояти

Тошмуродов Тошпулат — Нарпай тумани «Пахтакор овози» газетаси бош муҳаррири, Самарқанд вилояти

Туйчиева Гулноза Абдукаримовна — «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи муқоваловчиси

Умирзоқов Жамшиддин Абдуразоқович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Тошкент» телеканали катта муҳаррири

Хидиров Қобил Уролович — Ижтимоий тармоқлардаги «Davletov.uz» саҳифалари администратори

Шермухамедов Умид Хатамович — «Kup.uz» веб-сайти бош муҳаррири

Эгамов Эркинбой Собирович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Хоразм вилояти телерадиокомпанияси «Воҳа» тезкор ахборот гуруҳи муҳаррири

Эралиева Зарифа Ашуровна — Тошкент вилояти ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2019 йил 27 июнь

► Дил сўзлари



овози ва йўналишига эга блогерлар журналистлар билан тенгма-тенг ижод қилмоқда. Мавзулар чуқур таҳлил қилиниб, ўқувчига тақдим этилмоқда. Мен мукофотни олганимдан сўнг бир ҳамкасбимиз: «Қачон блогерлар давлат мукофоти олган эди?» деб ҳаяжон билан сўради. «Тарихда биринчи марта!» деб жавоб қилдим мен. Шаффофлик, очиклик ва сўз эркинлиги таъминлансагина, мамлакатда ривожланиш бўлади. Жамоат-



димиз ва ишимизга янгича ёндошувга ундайди. Айни пайтда давлатимиз раҳбарининг, «биз оммавий ахборот воситаларининг фаолият эркинлиги кафолатларини мустаҳкамлаш, журналистларнинг машаққатли меҳнатини муносиб баҳолаш ва рағбатлантириш, жамиятда демократик принциплар, фикрлар ва қарашлар ранг-баранглигини таъминлаш борасида олиб бораётган ишларимизни албатта изчил давом эттирамиз», деган сўзлари дилимизга қувонч бағишлаб, янги марралар сари илҳомлантиради.

Ўз касбини севган инсон бахтлидир. Бугун — ҳаётимдаги энг

Тарихда биринчи марта!

Хушнудбек ХУДОЙБЕРДИЕВ, xushnudbek.uz сайти раҳбари, «Келажак бунёдкори» медали соҳиб:

— Анъанавий оммавий ахборот воситаларидан ташқари шиддат билан янги медиа майдон юзга келди. Медиа майдонимиз турли нашрлар билан бойиди. Ўз

чилик фикрини журналист халққа етказди. Мана шу сиёсатимиз бардавом бўлсин. Яратилаётган кенг имкониятлар, кўрсатилаётган рағбатлар учун давлатимиз раҳбаридан миннатдоримиз. Олган мукофотим зиммамга янада катта масъулият юклайди, бундан ҳам яхшироқ ижод қилишга, фаолроқ бўлишга ундайди.

Энг қувончли кун

Рухсора ГАФУРОВА, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ахборот марказининг «Замон» ахборот-таҳлилий дастури муҳаррири, «Шухрат» медали соҳибаси:

— Президентимизнинг биз, журналистларга байрам табригини катта ҳаяжон билан тингладик. Унда ўзининг кенг ифодасини топган ижод аҳлига меҳр, эътибор ва ғамхўрлик ҳар биримизни ўз касбимизга, ижо-

қувончли кунларимдан бири. Халқимизнинг, давлатимизнинг, Ўртабхошимизнинг эътиборига тушиб қилишни нақадар руҳлантирар экан. Мукофотни қабул қилиб олаётганимда, кўз олдимдан 27 йиллик фаолиятим, умрим ўтди. Бугун журналист қай мавзуга мурожаат қилмасин, дастга етади. Сабаби — эркинлик бор. Ижодимизни юсак баҳолагани, қадрлагани ва улкан имкониятлар яратиб бераётгани учун, қўлим кўксимда, давлатимиз раҳбарига миннатдорчилигимни изҳор қиламан.

► Рағбат

Шиддат билан ўзгараётган бугунги замонда оммавий ахборот воситаларининг фаолият қўлами, инсон ва жамият ҳаётига таъсири тобора ортмоқда. Ахборот нафақат одамларни янгилик ва ўзгаришлар билан таништириш воситаси, балки ишлаб чиқаришнинг етакчи йўналишларидан бирига, моддий, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг ривожини ва ўсишига ҳал қилувчи таъсир этадиган, тез ривожланаётган энг замонавий соҳа сифатида намоён бўлмоқда.

Тараққиёт, талаб ва эътибор

Пойтахтимизда 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ташкил этилган «Йилнинг энг фаол журналисти» республика ижодий танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбирда шулар алоҳида таъкидланди.

Байрам тадбирига турли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, барча турдаги оммавий ахборот воситалари вакиллари, устоз журналистлар, талаба-ёшлар тақдир этилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, танлов ташкилий қўмитаси раиси Саъдулла Ҳақимов ва бошқалар юртимизда миллий журналистика соҳасини ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрларнинг ижодий, касбий салоҳиятини юксалтириш масалаларига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади. Бу борада қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари оммавий ахборот воситалари ходимлари янада эркин, самарали ижод қилиши, халқимиз учун долзарб бўлган мавзуларни дадил кўтариб чиқиши учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Бугунги кунда чин маънода журналист қадам қўймаган, оммавий ахборот воситалари дахлдор бўлмаган бирор соҳа йўқ. Рақамларга мурожаат қилсак, ҳозир мамлакатимизда бир минг етти юзга яқин ом-



мавий ахборот воситаси фаолият олиб бормоқда. Уларнинг катта қисми фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шарт — нодавлат оммавий ахборот воситаларидир. Рақамли ва мобил телевидение, интернет-телевидение, интернет-радио каби замонавий ахборот тармоқлари ҳаётимизга тобора чуқур сингиб борапти. Матбуотимиз давлат ва халқ ўртасидаги воситачига айланиб, миллий мазмун, миллий қиёфа касб этди. Журналистларимизнинг тафаккури, дунёқараши ўзгарди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда матбуот ва оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш борасида

амалга оширилаётган ишларнинг самараларидир.

Ҳа, соҳада янгилинишлар, эришилаётган муваффақиятлар оз эмас. Бироқ, ҳаёт давом этаркан, бугун юксак кўринган марра эртага оддий ҳолатга айланади, қалам аҳлини янги марралар кутади. Шундай экан, журналист дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида ўз ўрнини ҳолисона ва танқидий баҳолаши, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб бериши, давр билан ҳамқадам бўлиши шарт. Бу эса ҳар бир журналистдан ўз касбига садоқат ва масъулиятни ошириш, виждон амри билан яшашни тақозо этади.

“Йилнинг энг фаол журналисти”
республика танлови ғолиблари

Абдураимова Норгул , Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги шарҳловчиси	Ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётимиздаги ўзгаришлар кенг ёритилган таҳлилий туркум материаллари учун.
Алимардонов Аслиддин , “XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари	Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва сиёсий партиялар фаолиятига оид туркум материаллари учун.
Евстифеева Елена , “Ro'yatx” радиоси муҳаррири	Янгиланишлар жараёнининг ижтимоий аҳамияти ҳақида тайёрланган туркум материаллари учун.
Каримова Навбахор , “Ўзбекистон 24” телеканали катта муҳаррири	Ислохотлар жараёнлари, мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан алоқаларини ривожлантиришга доир туркум кўрсатувлари учун.
Низаев Темур , “Правда Востока” газетаси бўлим мудир	Ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган таҳлилий материаллари учун.
Рахматуллаев Тошпўлат , “nuz.uz” сайтининг Самарқанд вилояти муҳбири	Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклигини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган таҳлилий материаллари учун.
Тошматов Азаматжон , “Андижоннома” ва “Андижанская правда” газеталари фотомуҳбири	Мамлакатни модернизациялаш ва янгилаш жараёнлари ҳамда муҳим ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар акс этган фотоматериаллари учун.
Умарова Наргиза , “Yoshlar ovozi” газетаси лойиҳа координатори	Жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар таҳлилий ёритилган материаллари учун.
Хусанова Гулноза , “UzReport TV” телеканали муҳаррири	Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, хориқлик экспертларнинг янгилиниш жараёнлари борасидаги қарашлари акс этган туркум кўрсатув ва интервьюлари учун.
Якудаева Гўзал , Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси радиоканали катта муҳаррири	Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жараёни ва Орол муаммосини бартараф этишга бағишланган туркум эшиттиришлари учун.

“Йилнинг энг фаол журналисти” республика
танлови совриндорлари

Абдувалиев Азизбек	“Daryo.uz” сайтининг Наманган вилояти муҳбири.
Авезов Амрулло	“Овози тожик” газетасининг Бухоро вилояти бўйича муҳбири.
Ахмадалиев Тўлқин	“Сирдарьинская правда” газетаси бўлим мудир (Сирдарё вилояти).
Байтураева Гулжамал	“Нурлы жол” газетаси катта муҳбири.
Левченко Сергей	“Народное слово” газетаси бўлим мудир.
Махмадалиев Эркин	“Термиз оқшоми” газетаси муҳбири (Сурхондарё вилояти).
Мирзакулов Равшан	“Тошкент ҳақиқати” ва “Ташкентская правда” газеталари фотомуҳбири.
Олимов Жаҳонгир	“Ўзбекистон Электрон ОАВ Миллий ассоциацияси “Замон” ахборот дастури муҳаррир — бошловчиси.
Сағдуллаева Дилдора	“Ёшлар” ТРК катта муҳаррири.
Раҳмонкулова Холниса	“Жиззах ҳақиқати” газетаси муҳбири.
Тўхтаматов Шоҳсултон	“Давр овози” газетаси муҳбири (Фаргона вилояти).
Қосимов Холбой	“Булунғур ҳаёти” газетаси муҳбири (Самарқанд вилояти).
Эгамов Нуриддин	“Барқамол авлод” газетаси масъул котиби (Қашқадарё вилояти).
Хошимова Ҳилола	“O'zbekiston” радиоканали шарҳловчиси.
Юнусова Гулдон	Навоий вилояти ТРК муҳаррири.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан анъанавий равишда ўтказиб келинаётган “Йилнинг энг фаол журналисти” танловидан кўзда тутилган асосий мақсад ҳам ана шундай хайрли ишларни рағбатлантиришга қаратилган. Анъанага кўра, бу йил ҳам Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни арафасида танловнинг нуфузли ҳайъати икки юзга яқин журналистдан келган икки мингдан зиёд ижодий ишни кўриб чиқиб, ғолиб ва совриндорларни аниқлади.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан ижодий ишларнинг долзарблиги, мавзунинг юксак даражада профессионал ёритилгани, ижтимоий аҳамияти, журналистнинг фаол фуқаролик позициясини намоён эта олиши билан боғлиқ жиҳатларга асосий эътибор қаратилди. Улар орасидан ижодий ишлари энг яхши, деб топилганларга танловда ғолиб ва совриндорлик насиб этди. Эътиборга молик жиҳати, ғолиб ва совриндорлар орасида барча турдаги оммавий ахборот воситалари вакиллари бор. Шу билан бирга, юртимизда турли миллат ва элат вакиллари ўрта-да аҳиллик, бағрикенглик, ҳамжихатликни мустаҳкамлаш мавзусини фаол ёритаётган журналистлар Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг эс-

далиқ совғалари билан тақдирланди.

— Тўғриси, бундай нуфузли танловда ғолиб чиққанлардан гоё қувондим, — дейди “XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари Аслиддин Алимардонов. — Юртимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган жадал ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини, сиёсий партияларнинг бу муҳим жараёндаги ўрнини, халқимиз, жамиятимиз ҳаётида юз бераётган улкан ўзгаришларни фаол акс эттириш биз, журналистлардан замон билан ҳамнафас бўлишни талаб этади. “Йилнинг энг фаол журналисти” республика кўрик-танлови бу борадаги изланишларимизни рағбатлантиришда, ўз фаолиятимизга янада теранроқ нигоҳ билан, чуқур таҳлилий назар ташлаш имконини беради.

Тадбирда “Йилнинг энг фаол журналисти” республика кўрик-танлови ғолиблари ва совриндорларига эсдалик совғалари ва дипломлар тантанали равишда топширилди. Танлов ғолиб ва совриндорлари миллий журналистикамизни равнақ топтириш йўлида кўрсатилаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирди.

Қодир ҚОДИРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Оммавий ахборот воситаларининг фаолияти учун максимал даражада қулай шароитлар яратиш, давлат ва жамият ўртасида сифатли мулоқотни йўлга қўйиш, аҳолига ислохотларнинг мақсади, вазифалари ва натижалари ҳақида тезкор, ҳолис ва тўлиқ ахборот етказиш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти шайф-фоглигини ошириш, шунингдек, уларнинг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ва ахборот хизматлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан яхшилаш мақсадида:

1. 2019 йил 1 октябрдан эътиборан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ бошлар адабиётлари, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган махсулотлар чоп этишга ихтисослашган нашриётлар ноширлик фаолиятини амалга оширишга лицензия берганлик учун давлат божи тўлашдан озод қилинади.

2. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (кейинги ўринларда – давлат органлари ва ташкилотлари)нинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик ва аҳолини хабардор қилиш соҳасидаги фаолияти қоникарсиз деб топилсин.

3. Қўйидагилар давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизматлари, матбуот марказлари, жамоатчилик билан алоқалар бўйича хизматлари (кейинги ўринларда – ахборот хизматлари)нинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтлари, шунингдек, бошқа ахборот ресурслари орқали, шу жумладан, матбуот анжуманлари, брифинглар, медиаторлар ташкил этиш йўли билан **аҳолига мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда ахборот тақдим этиб бориш**;

давлат органлари ва ташкилотларида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тараққиёти жараёни ҳақида ахборот бериш ва ёритиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг **ижобий имижини шакллантириш ва илгари суриш**, ижтимоий сўровлар ўтказиш ва бошқа шаклларда жамоатчилик фикрини ўрганиш;

ахборот сиёсати соҳасида зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) билан самарали амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш;

оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилиш, ахборот хизматлари билан доимий ишловчи журналистлар ва блогерлар доирасида тезкор маълумотларни тарқатиш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда кенг аҳоли қатламларининг иштирокчини таъминлаш мақсадида экспертлар гуруҳини шакллантириш;

мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида **давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг чиқишларини** ташкил этиш;

ахборот макони мониторингини олиб бориш ва **таҳлил қилиш**, танқидий ва кенг муҳокама қилинаётган ахборот хуружларига тезкор муносабат билдириш, оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида тегишли давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига алоқадор ахборот

ротни тарқатиш бўйича ишларни ташкил қилиш;

давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш учун хабар, маълумот, шарҳ ва бошқа ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлаш;

давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисида жамоатчилик фикрини, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг позициясини ўрганиш, долзарб тақлифлар ишлаб чиқиш ва улар тўғрисида давлат органлари ва ташкилотлари раҳбариятига ахборот бериб бориш;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини хорижий оммавий ахборот воситаларида сифатли ёритиш мақсадида ваколатли вазирликлар ва идоралар орқали Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарини, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналарини **ахборот материаллари** (босма махсулотлар, фото-, аудио-, видеоматериаллар ва ҳ.к.) **билан таъминлаш**;

давлат органлари ва ташкилотларининг ваколатига кирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳамда уларнинг тасдиқланган матнларини белгиланган тартибда ўз расмий веб-сайтида жойлаштириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятига алоқадор матнли, фото-, аудио- ва видеоматериаллардан иборат маълумотлар базасини шакллантириш ва янгиллаб бориш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизматлари ходимлари ўстувор равишда журналистика соҳасида олий маълумотга эга бўлган шахслар орасидан лавозимга тайинланади;

б) давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари раҳбарлари:

бир вақтнинг ўзида давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг **матбуот котиби ҳисобланиб**, ахборот сиёсати масалалари бўйича раҳбарнинг маслаҳатчиси мақомига эга бўлади ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартларига қўра давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг ўринбосарига тенглаштирилади;

тегишлича Агентлик ёки унинг худудий бўлинмалари хулосасини ҳисобга олган ҳолда лавозимга тайинланади; ҳар уч йилда Агентликда **аттестациядан ўтади**;

в) давлат органлари ва ташкилотларининг марказий аппаратлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмаларида ахборот хизмати назарда тутилиши шарт.

Давлат органлари ва ташкилотларининг марказий аппаратлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларидаги ахборот хизматлари ходимларининг сони, қоида тарикасида, уларнинг штат бирликлари доирасида шакллантирилади ҳамда матбуот котиби билан бир қаторда оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан алоқалар, веб-ресурслар ва ижтимоий тармоқлар билан ишлаш учун масъул ходимлардан иборат бўлади.

Давлат органлари ва ташкилотларининг марказий аппаратларидаги ахборот хизматлари ходимларининг сони тегишли идора фаолиятининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда унинг раҳбари томонидан белгиланади.

Давлат органлари ва ташкилотларининг идоравий ва худудий бўлинмалари ахборот

рот хизматлари фаолиятини ташкил этиш тегишли идораларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб белгиланиши мумкин.

г) давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот фаолиятини мувофиқлаштириб бориш Агентлик томонидан амалга оширилади.

д) **Қўйидагиларга йўл қўйилмайди**:

давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари уларнинг хизмат мажбуриятига кирмайдиган қўшимча мажбуриятларни юклашга;

ахборот хизматларининг функциялари ва вазифаларини давлат органлари ва ташкилотларининг бошқа бўлинмалари зиммасига юклашга;

е) давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари:

ахборот хизматларининг замонавий моддий-техника воситалари, шу жумладан, телевизор, фото- ва видео ёзиб олиш воситалари, юқори тезликдаги Интернетдан фойдаланиш имконияти, зарур дастурий махсулотлар билан таъминланганлиги, шунингдек, малакали мутахассисларни жалб қилиш учун шахсан жавобгар ҳисобланади;

ахборот хизматлари ходимларига, бошқа тўловлардан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг ўз маблағлари ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ойлик устама тўлашга ҳақиқидир;

ж) ахборотлар давлат органлари ва ташкилотларининг веб-сайтларида, ижтимоий тармоқларда, мобил мессенжерлардаги саҳифаларида қўнига камида бир марта жойлаштирилиши ва янгиланиши лозим.

5. Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини мониторинг қилишнинг самарали тизимини жорий этиш, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича ишларни ташкил этишда уларга қўмаклашиш, шунингдек, ахборот хуружларига тезкорлик билан жавоб қайтариш мақсадида Агентликнинг **давлат органларининг ахборот хизматларини мувофиқлаштириш бўлими** Агентлик марказий аппаратига бошқарув ходимларининг белгиланган ўқимий сонини тегишлича ошириб, 5 та штат бирлигини қўшимча ажратган ҳолда **Ахборот хизматлари фаолиятини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси сифатида қайта ташкил этилсин**.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаларида 14 та штат бирликлари қўшимча ажратган ҳолда **ахборот хизматлари фаолиятини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш сектори ташкил этилсин**.

6. Давлат органлари ва ташкилотлари: Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда матбуот котибларини алоқа воситалари, жумладан, ҳукумат алоқаси, шунингдек, кенг поласали Интернет тармоғига уланishi имконияти билан таъминласин;

давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари ходимларини таъриба орттириш ва хорижий мамлакатларнинг тегишли ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишиш, шунингдек, уларни ахборот жихатдан таъминлаш учун сафар қилувчи делегациялар таркибига киритиш чораларини кўрсин.

7. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси таркибий

бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идоралар, мутахассислар ва экспертларни жалб этган ҳолда қабул қилиниши режалаштирилган ва қабул қилинган ижтимоий аҳамиятга молик норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қоидаларининг, шунингдек, долзарб масалалар бўйича қўйиладиган ташкилий чора-тадбирларнинг оммавий ахборот воситаларида ва Интернет тармоғида кенг ёритилишини таъминласин.

8. Агентлик:

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларининг ижро этилиши ҳақидаги жамоатчилик фикрини, шунингдек, уларнинг ижроси борасида оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғидаги веб-сайтларда давлат органлари ва ташкилотлари эълон қилган материалларни мониторинг йўли билан доимий равишда ўрганиб борсин ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар кўриш учун тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ахборот (кўрсатмалар) киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети билан биргаликда давлат органлари ва ташкилотларидаги ахборот хизматлари ходимлари ва раҳбарларининг **малакасини ошириш курсларини ташкил этсин**;

икки ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ахборот хизматлари раҳбарларини аттестациядан ўтказиш тартибини, шунингдек, уларнинг иш самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2020 йил 1 январга қадар манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари раҳбарларини қонун ҳужжатларига мувофиқ аттестациядан ўтказсин;

давлат органлари ва ташкилотларига улар фаолиятининг очиклигини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш, шунингдек, ахборот хизматларини услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича доимий ёрдам кўрсатиб борсин;

оммавий ахборот воситалари, Интернет тармоғи, жумладан, ижтимоий тармоқлар ва мобил мессенжерларда эълон қилинаётган аҳолининг кенг қатламлари фикрига салбий таъсир кўрсатувчи маълумотларнинг доимий мониторингини амалга оширсин ҳамда тегишли давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари муносабат билдириши учун уларга юборсин;

давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматларининг ходимларини, шу жумладан, давлат мукофотларига тавсия этиш орқали рағбатлантириб бориш чораларини кўрсин;

давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизматлари реестрини шакллантирсин ва уни доимий янгиллаб борсин;

давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини, уларнинг малакали кадрлар, моддий-техник воситалари билан таъминланганлиги ва зиммасига юклатилган вазифаларнинг ижросини ўргансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

хорижда Ўзбекистоннинг ижобий имижини илгари суриш ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар

тўғрисида тарғибот қилиш ва жамоатчиликни кенг хабардор қилишга қаратилган ахборот кампанияларини ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан ҳар йили 20 миллиард сўм ажратилишини таъминласин;

ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни параметрларини шакллантиришда Агентлик ва унинг худудий бўлинмалари таъминоти ва моддий-техник жиҳозланиши учун маблағларни назарда тутсин.

12. Агентликка тадбирлар (анжуманлар, брифинглар, “давра суҳбатлари”, тақдиротлар ва бошқалар)ни ташкил этиш билан боғлиқ юклатилган вазифаларнинг лозим даражада бажарилишини таъминлаш мақсадида Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишлар (хизматлар) етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга истисно тарикасида рухсат берилсин.

13. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ахборот хавфсизлиги манфаатларидан келиб чиққан ҳолда давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг Интернет тармоғидан фойдаланиши, техник хизмат кўрсатилиши ва уланishi ҳамда уларнинг серверлари ТАС-IX тармоғига жойлаштирилиши билан боғлиқ харажатларни камайтириш чораларини кўрсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4151-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Агентлик, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига оммавий ахборот воситалари ва матбаа қорхоналарини давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек, ноширлик фаолиятини лицензиялаш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш маъмурий регламентлари лойиҳаларини киритсин;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига давлат органлари ва ташкилотлари томонидан маълумот тақдим этмаганлик ёки нотўғри маълумот тақдим этганлик, шунингдек, оммавий ахборот воситалари фаолиятига тўсқинлик қилганлик ва журналистларга босим ўтказганлик учун жавобгарлиқни белгиллаш тўғрисида тақлифлар киритсин.

16. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2019 йил 27 июнь**

Ифтихор

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири.

Ҳақиқатнинг содиқ дўстлари

Бу дунё бир сўздан яралган асли,
Сўз билан ҳаётбахш одамзод насли,
Сизга дурдан ало қаламининг васли,
Эй, кўнгал тоғининг аламинистлари,
Миллатнинг жонфидо журналистлари.

Жони сиёҳдон, қалам қонидир,
Дунёда бор-йўғи сўз – имконидир,
Ўзи хокисору Ватан шонидир,
Кўнглига бўйлайди бўё бастиари,
Ватаннинг жонфидо журналистлари.

Эй сиз, уйқусини уюқлаб юрган,
Эй сиз, ўз қадрини сўроқлаб юрган,
Вале, миллатини чиқоқлаб юрган,
Издан эргашар нури ҳислари,
Халқимнинг жонфидо журналистлари.

Гоҳ дашиномлардан кетса эзилиб,
Тарки касб истайди кўнгли бузилиб,
Бари бир аҳдидан кетмас узулиб,
Чунки ёмонга ҳам йўқдир қасдлари,
Эй, она юртимнинг журналистлари.

Телеканаллар бу – қўзларга қўзғу,
Радио ҳам тилу сўзларга қўзғу,
Интернет, планшет, шиддатли туйғу,
Янги газетанинг бўёқ, ислари,
Гулдан муаттар дер, журналистлари.

Уйғоқсиз, хушёрсиз, жонсарак жонсиз,
Сиз янги тарихга, янги имконсиз,
Сиз сўздан яралган Ўзбекистонсиз,
Сизсиз ҳақиқатнинг содиқ дўстлари,
Эй, она юртимнинг журналистлари.



Энди мен танлов ғолибаси бўлдим. Яратилаётган бундай кенг имкониятлар бизга катта рағбатдир. Янада фаолроқ ва самаралироқ ишлашга ундайди. Тингловчиларни Орол денгизи ўрнида яшил тўқайзорлар барпо этиш, шунингдек, қурилиш, маданият, саноат, спорт, туризмин ривожлантириш бўйича олиб борилаётган улғувор ишлар билан мунтазам таништириб бораёпмиз. Савсул эҳсиш ишларида, ҳатто ўзимиз ҳам қатнашдик. Ўзбекистонимизда касбини қадрлаган, албатта, кадр топади.



раҳбарларининг, хусусан, мансабдор шахсларнинг оммавий ахборот воситаларига, журналистлар фаолиятига муносабати жуда яхши томонга ўзгариб бораётганида ҳам кўрса бўлади. Исталган ташкилот раҳбари билан очик мулоқот қилиш мумкинлиги қўллаб-қувватлаш жавоб олиш имконини бермоқда. Бу Президентимиз томонидан биз, журналистларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар самараларидандир.

Виждон амри билан яшаш, ижод қилиш саодати

1 Кеча Ўзбек Миллий академик драматрида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда бу тамойиллар ҳаётиимиздан мустақам ўрин олиб, турмуш тарзимиизга айланиб бораётгани яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, журналистлар, ноширлар, матбаачилар, олий ўқув юрларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам табригини Президентнинг маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Юксак эҳтиром билан кутиб олинган табрикдан сўнг давлатимиз раҳбарининг миллий журналистика соҳасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган, мамлакатимиз ва жамиятимиз тармақлари йўлида самарали фаолият олиб бораётган бир гуруҳ оммавий ахборот воситалари ходимларини Ватанимизнинг юксак унвон, орден ва медаллари билан тақдирлаш ҳақидаги фармони ўқиб эшиттирилди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов тақдирланганларга мукофотларни топширди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» телеканали бўлим мудири, «Шўхрат» медали соҳиббаси Назира Мамбетшерипова, «Корё Синьмун» газетаси бош муҳаррири ўринбосари, «Дўстлик» ордени соҳиббаси Алла Магай, ижтимоий тармоқлардаги «xushnodbek.uz» саҳифалари администратори, «Келажақ бунёдкори» медали совриндори Хушнуд Худойбердиев, ижтимоий тармоқлардаги «Davletov.uz» саҳифалари администратори, «Шўхрат» медали соҳиббаси Қобил Хидиров ва бошқалар матбуотда фикрлар ва қарашлар хилма-хиллигини таъминлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини эътироф этиб, соҳа ривожини йўлидаги улкан эътибор учун Президентимизга миннатдорлик билдирдилар.

Мамлакатимизда фуқароларнинг сўз эркинлигига доир ҳуқуқларини рўйбга чиқариш, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, соҳа ходимларининг манфаатларини ҳимоялаш борасида барча ҳуқуқий асослар яратилган. Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан 2017 йил 3 август кунини Тошкент шаҳрида ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш — ҳалқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустақам пойдеворидир» маърузасида илгари сурилган тақдирлар ва гоёлар ижодий ташкилотлар тарихида янги даврни бошлаб берганини таъкидлаш лозим. Президентимизнинг «Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш «Илҳом» жамоат фондидини ташкил этиш тўғрисида», «Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси фаолиятини янада ривож-

лантириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари миллий, медиамуҳитда улкан воқеа бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги негизидан Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ташкил этилган ҳам соҳа ривожидан муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида юртимизда оммавий ахборот воситалари сон, сифат ва таркиб жиҳатдан юксалмоқда.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим йўналиши — нодавлат оммавий ахборот воситаларининг кенг тармоғи шаклланиб, самарали фаолият олиб бораётгани жамиятимизда фикр ва қарашлар ранг-баранглигини, ўзаро ижодий мусобақа муҳитини таъминлашга катта ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бугунги кунда мавжуд теле ва радиоканалларнинг 66 фоизини, босма нашрларнинг эса 50 фоиздан зиёдини айнан нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил этади.

Соҳа ходимларини рағбатлантириш, янгидан-янги ижодий парвозлар сари даъват этиш, касб малакаси ва маҳоратини юксалтириш, замон талабига уйғун мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ишлар қўламини кенгаймоқда. Бу жиҳатлар журналистикани ривожига хизмат қилаётган турли кўрик-танловлар, ижодий беллашувлар, грант-лоийҳалар, ижтимоий дас-турларда ҳам ўз ифодасини топаётди.

— Ҳеч шубҳасиз, ҳар биримиз, бутун журналистлар жамоаси давлатимиз раҳбарининг табригида билдирилган ҳар бир фикр ва ҳар бир гоёни чуқур ўрганиб, улардан ташкилий ва ижодий фаолиятимизда дастуруламал сифатида фойдаланамиз, — деди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳакимов. — Бу ўринда мен соғлом фикрли ҳар бир инсонни чуқур ўйлантирадиган, юксак мақсад ва вазифаларга даъват этувчи бир ҳолатга эътиборни қаратишни истар эдим. Табрикда айтилдики, барчамиз бир ҳақиқатни унутмаслигимиз зарур: **ахборот майдонидаги турли баҳс ва тортишувлар, аввало, ҳаққонийлик ва холислик тамойилларига асосланиши, қонун ва одоб қоидалари доирасида бўлиши, шахсий ғараз ва хусуматга, сохта обрў орттириш усулига айланиб кетмаслиги, инсон шахси ва шаънини таҳқирлашдан йироқ бўлиши, бундай салбий ҳолатларга бизнинг медиа майдонимизда мутлақо ўрин бўлмаслиги керак.**

Ҳаётга доимо теран нигоҳ билан қарайдиган, халқ ва Ватан манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган матбуот аҳли бу ҳақиқатни ҳар томонлама чуқур англаши даркор. Зеро, атрофига зеҳни назар солган одам тобора обод бўлиб бораётган шаҳару қишлоқлар, маҳаллалар, кўнгалларда нураб бораётган эскича

қарашлар ўрнида янги, тоза дунёқараш пайдо қилаётганини илғамаслиги асло мумкин эмас.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Сирдарё вилоятида илгари сурилган, бутун халқимиз қалбида яратувчилик завоқини уйғотаётган Беш ташаббус гоёси ҳам моҳиятан ҳар бир инсоннинг, пировард натижада, бутун миллатнинг жиҳмоний, маънавий, маърифий ва руҳий оламини поклашга, иродасини мустақамлашга, ҳаётини фаровон этишга қаратилган.

Бугун биз шундай замонда яшаймизки, одамларнинг дарду ташвишлари, орзу интилишларига дахлдор бўлмаган сўзнинг қадри қиммати йўқ. Бугун одамийлик, бағрикенглик, кечиримлилик, фидойилик каби сўзлар чинакамига амалий маъно-мазмун касб этмоқда.

Президентимиз илгари сурган ҳаётини гоёлар матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини Ватан равнақи ва халқ манфаатлари йўлида дилни дилга, қўлни қўлга бериб, бир жону бир тан бўлиб, қалб даъвати ва виждон амри билан яшаш ва ижод қилишга ундайди.

— Тўғриси айтганда, камтарин меҳнатим давлатимиз томонидан шунчалик юксак мукофотга лойиқ топилади, деб ўйланган эдим, — дейди «Сирдарё ҳақиқати» газетаси бўлим мудири, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» унвони билан тақдирланган Халида Пардабаева. — Ҳозиргина олганим ушбу юксак давлат мукофотини фақат ўзимга эмас, биринчи навбатда мени воёга етказган, тарбиялаган, ўқитган ота-онам, таълим берган азиз устозларимнинг хизматлари туфайли, деб биламан. Анча йиллардан буён «Сирдарё ҳақиқати» газетасида меҳнат қиламан. Ҳамиша изланишдамиз. Зеро, касбимиз доим олдинги сафда бўлишни талаб қилади. Бундай кезларда дилинг қувончга лиммолим тўлиши, касб-коринг, меҳнатинг қадр ва рағбат топаётганидан шукроналар келтиришинг табиий. Шу боис, биз, қалам аҳлига, жумладан, журналистларга кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимиздан чин дилдан миннатдоримиз.

— Қаранг, муқояса-ю мулоҳаза қилинг, — дейди «Менинг юртим» нодавлат телеканали бадий кенгашининг масъул котиби, «Меҳнат шўхрати» ордени соҳиббаси Зафар Саидов. — Сўнгги уч йилда не бир гўзал, улкан ўзгаришлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Иқтисодиётда ҳам, сиёсатда ҳам, маданиятда маърифатда ҳам, илмда ҳам нақадар юксалдик. Энг муҳими, сўз эркинлиги, фикр эркинлиги, дин эркинлиги, ҳаракат эркинлиги каби қўллаб-қувватлаш нақадар илгарилаб кетди. Теле-радиоканалларимиз, интернет сайтларимиз ва ижтимоий тармоқлардаги ошқоралик, чуқур таҳлил ва холис танқид руҳи нақадар кучайди! Бундай ўзгариш ва юксалишлар юртимизда катта-ю кичик, ёшу қарининг эртанги кунга умиди ва ишончини, журналист аҳлининг эса ижодга рағбатини тобора оширмоқда.

Байрам тадбири санъат усталари ва ёш хонандаларнинг концерти билан якунланди.

Кодир БЕРДИЕВ.

Эътибор

Самарали, сурурли меҳнат

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини юртимизнинг барча ҳудудларида кенг нишонланмоқда.

Сирдарёлик журналистларни вилоят ҳокими Гофуржон Мирзаев қизгин табриклади. Ҳоким, вилоят ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришларни тарғиб этишда фаоллик кўрсатаётган 80 нафар журналистга планшет совға қилди. Тадбир иштирокчиларининг 180 нафарига эсдалик совғалари топширилди.

Наманганда байрам тадбири шаҳардаги «Шердор» тантаналар уйида бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрами билан табриклади. Матбуотнинг ва журналистларнинг жамиятимиз ҳаётида тутган ўрни, ахборот маконидаги рақобат, босма нашрлар, интернет-журналистикада ҳамда ижтимоий тармоқларда фаоллик ошиб бораётгани таъкидланди.

Бир гуруҳ оммавий ахборот воситалари ходимлари вилоят ҳокимининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Сурхондарё вилояти бўлими байрам муносабати билан соҳада узоқ йиллар фаолият юритиб, кексалик гаштини сураётган фахрий журналистлар хонадонидан бўлиб, уларни касб байрами билан табриклади.

Жорий йилда 77 ёшни қарши олган Назип Сулаймонов «Заря Сурхана» газетасида турли лавозимларда самарали меҳнат қилган. Ўн беш йил «Правда Востока» газетасининг вилоят муҳбири бўлиб ишлаган.

— Мамлакатимизда кекса авлод вакилларига қаратилаётган эътибор ёшимизга ёш қўшмоқда, — дейди Н.Сулаймонов. — Байрамлар арафа-

сида ҳамкасбларимизнинг ҳол-аҳвол сўраб, хонадонимизга келаётгани бизга қувонч бағишлайтир. Бундай меҳрдан руҳланиб, ёш ижодкорларга йўл-йўриқ кўрсатмоқдамиз. Бизнинг кучга тўлган давримизда бундай шароит ва имкониятлар, очкилик қаерда эди, дейсиз? Йўқлаб келган ҳамкасбларимдан жуда миннатдорман.

Тадбир доирасида кекса журналистларга байрам совғалари улашилди.

Наманган вилояти адлия бошқармаси томонидан журналистлар билан учрашув ўтказилди.

— Жамият тараққиётини таъминлашда, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда қонун устуворлиги, барча учун умумий бўлган ҳуқуқий маданият бош омиллардан бири ҳисобланади, — дейди вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Х.Собилов. — Бу борада оммавий ахборот воситалари билан мақсадларимиз муштарак ва ўзаро ҳамкорлик ҳар икки томон учун манфаатли бўлади.

Тарғибот ишига янги қадам қўйиб, инновацияларни фаол жалб этиш учун вилоят телерадиокомпанияси, ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси билан меморандумлар имзоланди. Бундан қўзланган асосий мақсад янги қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ижрочилар ҳамда кенг жамоатчиликка етказиш ва тушунтириш, фуқароларни ишончли ҳуқуқий ахборот ва маълумотлар, ҳуқуқий мазмундаги тарғибот материаллари билан таъминлашдан иборатдир.

Байрам арафасида «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази Бухоро вилоят бошқармасида фахрий журна-

листлар билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда оилалар мустақамлигини таъминлаш, оилада маънавий-ахлоқий қадриятларни қарор топтириш, оиланинг жамиятда тутган ўрнини тарғиб қилиш, ибратли оилалар сонини кўпайтиришда оммавий ахборот воситаларининг роли муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Фахрий журналистларга тадбир ташкилотчилари томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Хоразм вилоят бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Хоразм вилояти бошқармаси билан ҳамкорликда коррупцияга қарши курашда оммавий ахборот воситаларининг ролига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Унда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 27 май кунини қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг мазмун-моҳияти ва унда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашда прокуратура органларининг ўрни, иқтисодий жиноятлар ҳамда коррупцияга қарши курашда оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлигини таъминлаш каби масалаларга қаратилди.

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан бир гуруҳ журналистларга эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз.

XALQ BANKI

Акциядорлик тижорат Халқ банки жамоаси
27 июнь — матбуот ва оммавий ахборот
воситалари ходимлари кунини билан соҳа
фидоийларини самимий
мувоқабод этади.

Юрtdошларимизни холис ва ҳаққоний ахборот билан
таъминлашдек масъулиятли, заҳматли ишларингизда
Сизларни куч-гайрат ҳеч қачон тарк этмасин!

Шунингдек, Халқ банки юрtdошларимизга
Ўзбекистонда биринчи бўлиб жорий этилган
Кредит карта хизматини
таклиф этади.

КРЕДИТ КАРТА

Имтиёзли давр 30 кун (ҳар ойда)
Йиллик фойз ставкаси 36%
Имтиёзли даврда фойз ставкаси 0%
Кредит линияси 5 йил муддатга очик линия
Кредит миқдори 5 000 000 сўмгача

(+998 78) 120-17-70
(+998 78) 120-17-72

web site: www.xb.uz
e-mail: info@xb.uz



www.xb.uz

info@xb.uz

(0371) 200-00-55

Хизматлар лицензияланган.

► 30 июнь — Ёшлар куни

Зангор фасл

Ёшлик — зангор фасл, деган эди ўзбекнинг ахойиб шоири Рауф Парфи. Унинг зангорлиги нимада? Албатта, мусавволида. Халқимиз ёшларни эъзозлаб нав-нихол, нава, деб ҳам қўяди. Нега? Чунки одам ёшликда ниҳолдай эгилувчан бўлади. Қай томонга эгсанг, шу томонга бош буради. Ота-буваларимиз бола тарбиясини у ҳали она қорнида эканидан бошлаш керак, деган гапни азалдан айтиб келишди. Шу боис ҳам мамлакатимизда ёшлар ҳаётига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Ортимизда 30 июнь — Ёшлар куни сифатида бу йил иккинчи марта ўтказилмоқда. Илк бор 2018 йилда нишонланган ушбу байрам ёшларга кўтаринки руҳ бағишлади. Хусусан, муҳтарам Президентимизнинг ёшларга қарата демократик Ўзбекистон давлатини ташкил қилишда ёшларнинг хизмати беқиёс эканлигини таъкидлаб, яратилган имкониятлардан кенг фойдаланишларини ва амалда улардан катта натижалар кутатиётганини маълум қилдилар. Қолаверса, Ўртбошимиз



ташаббуси ва амалий кўмаги асосида ўтган икки йил мобайнида Ёшлар иттифоқи фаолиятига доир жами қирқта қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Ёшлар кунининг биргина байрам сифатида ўтказилиши ёшларга улкан имкониятлар эшигини очди. Яна бир гап шуки, Ёшлар иттифоқининг қайта ташкил этилиши уларни янада жиғлаштириш, муаммоларни биргаликда бартараф этиш каби масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, эндиликда ёшларимизга олиё ва ўрта таълим олишда қатор имтиёзларга эгалиги ошди, халқаро танловларда иштирок этиши осонлашди, бизнесини йўлга қўйишда имтиёзли кредитлар берилмоқда. Бугун истеъдодли ёшлар ташкилот қошида очилган тўғарақларга аъзо бўлиб, билим ва касбий маҳоратини оширмоқ-

далар. Иқтидорли ёшларнинг таълим олишларида шартнома пуллари тўлаб берилаётгани диққатга сазовор. Ёшларни рағбатлантириш мақсадида "Мард ўғлон" давлат мукофоти ва "Келажак бунёдкори" медалининг таъсис этилиши эса улар орасидан янги-янги фидойиларнинг юзага чиқишида муҳим омил бўлди.

— Ўзимни энг бахтли ёшлардан бири деб биламан, — дейди "Мард ўғлон" давлат мукофоти соҳиби, Тошкент шаҳар Олмазор тумани ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасининг профилактика инспектори Жамшид Абдулбокиев. — Келажакда ҳам мамлакатимиз тинчлигини таъминлаш ва менга берилган ишончини оқлаш учун бор куч-ғайратим билан ҳаракат қиламан. "Мард ўғлон"нинг таъсис этилгани бизга қувонч, фахр бахш этди. Келажакда бўлган ишончимиз янада ошди. Ёшлар орасида соғлом рақобатни юзага келтирадиган бу каби мукофотлар, танловларнинг кўпайгани яхши бўлди.

Мақола ёзиш жараёнида сўров ўтказиб, шу нарсаси амин бўлдики, мамлакатимизда Ёшлар куни нишонланишидан беҳабар ёшлар кўп. Усиб келатган авлоднинг байрами фақат ўйин-кулгу билан ўтадиган байрам бўлиб қолмаслиги лозим... Биринчи галда эътиборни уларнинг муаммоларини ҳал этишга қаратмоқ зарур.

Феруза РАҲИМОВА.

► Дунёда нима гап?

КЕЧИРИМ СЎРАДИ

АҚШнинг Калифорния штати губернатори Гэвин Ньюсом америкаликлар томонидан Қўшма Штатлар тарихида ҳиндуларга етказилган уқубатлар ва



зўравонликлар учун улардан кечирим сўради. «Reuters» хабарига кўра, бу воқеаларни Ньюсом «геноцид» деб атаган.

«Бунинг номи — геноцид, бошқача аташ мумкин эмас. Тарих дарслиқларига ҳам шундай деб ёзиш керак», — деб таъкидлади губернатор.

Ньюсомнинг маълум қилишича, истеъдод бошланган 1850 йилдан бери штат тубжой аҳолисига қарши жазолаш амалиётлари учун қарийб 1,3 миллион доллар сарфлаган. Ушбу эътироф учун ҳиндулар губернаторга миннатдорлик билдиришди.

ЮГУРГАННИКИ ЭМАС, БУЮРГАННИКИ

Туркиянинг Истанбул шаҳри ҳокимлиги учун такрорий сайловда яна Имом ўғлининг қўли баланд келди. Муҳолифатдаги Жумҳурият халқ партияси вакили



Акрим Имом ўғли Истанбул ҳокимлигига такрорий сайловда 54 фоиз овоз олиб, яна галаба қозонди. РИА Новостининг хабар қилишича, 99 фоиз бюллетеннинг ҳисоб-китоби Акрим Имом ўғлининг 54,21 фоиз, унинг рақиби — Президент Ражаб Эрдоған бошчилигидаги Адолат ва тараққиёт партиясининг вакили Бинали Йилдирим эса 44,99 фоиз овоз олганини кўрсатди.

Истанбул ҳокими лавозими учун биринчи сайлов 31 март куни бўлиб ўтган, унда Акрим Имом ўғли 48,8 фоиз, Бинали Йилдирим эса 48,55 фоиз овоз тўплаган эди. Бироқ Адолат ва тараққиёт партияси сайлов участкаларида сайлов комиссияларининг айрим аъзолари давлат хизматчиларидан тайинланмагани, шунингдек, имзоланмаган баённомалар мавжудлигини дастак қилиб, сайловнинг такроран ўтказилишига эришган эди.

НОМ ЧИҚАРИШГА УЛГУРМАДИ


Ҳиндистонлик Кумарасвами ижтимоий тармоқлардаги TikTok иловасида кўпчилик назарига тушиб, унинг видео камераси олдиди хунарини кўрсатаётган пайтда ҳалок бўлди, деб ёзади Indian Express нашри.



Гувоҳларнинг айтишича, 20 ёшли йигит салто қилмоқ ниятида ҳавода умбалоқ ошмоқчи бўлиб, сакраган чоғи бўйни билан йиқилган ва бўйини синдириб олган. Шифокорлар унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун саккиз кун курашдилар, бироқ Кумарасвами сақлаб қолишнинг имкони бўлмаган. Оиласининг ягона пул топармони бўлган йигит маҳаллий ансамблда кўшиқ айтган ва рақсга тушган. У томошабинлар эътиборини тортди ва телешоуда иштирок этиш орзусида бўлган. Таъкидлаш зарурки, Ҳиндистон суди 2019 йилнинг апрелида TikTok иловасини расман тақиқлаган эди.

ЕВРОПАНИ ЖАЗИРАМА ЗАБТИГА ОЛДИ

Европа мамлакатларига кучли жазирама хавф соломқда. Марказий Европа юқори ҳаво босими таъсирига тушиб, Атлантика уммонидан пўртаналар кўтарилмоқдаки, бу синоптикларни қаттиқ ташвишга солиб қўйди, деб хабар қилади «The Guardian» нашри.



Францияда ҳаво ҳароратининг 35 даражага кўтарилиши одатий ҳолга айланди. Қўтилаётгани — 40 даража, ҳатто ундан ҳам юқори. Шу боис мамлакат соғлиқни сақлаш вазири Аньес Бузин маҳаллий ҳокимликлар ва касалхоналарни тўлиқ шай ҳолатда туришга қачирди. Ўтган саратоннинг жазирамаси мамлакатда 1, 5 мингдан зиёд инсоннинг ҳаётига зомин бўлган эди.

«Кексалар ва болаларга қийинроқ бўлади. Шунинг учун жазирама қайтмағунча, зарурат бўлмаса, кўчага чиқиш тавсия этилмайди», — деб маслаҳат беришга тиббиёт мутахассислари.

РАҚҚОСЛАР ВА ЭПЧИЛЛАР ҲИНИ

Бу хабаримиз ҳам раққослик ва эпчиллик алоқадор. Халқаро олимпия қўмитаси (ХОК) 2024 йилда Парижда ўтадиган Ўзгир Олимпия ўйинларининг илк дастурига брейк-данс, сёрфинг,



тоққа чиқиш ва скейтбординг бўйича беллашувларни киритди.

Қўмита раҳбари Томас Бахнинг маълум қилишича, ушбу спорт турлари олимпия ҳаракатини ривожлантириш дастурига, гендер тенглиги ва урбанизация, навқирон авлод талабларига мос. Қўмита ушбу тўрт спорт турини Олимпиада дастурига киритишга оид якуний қарорни 2020 йилнинг декабрида қабул қилади.

Eurosport телеканалининг маълум қилишича, брейк-данс 2018 йили Аргентинада ўтган ўсмирлар Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган ва унда россиялик Сергей Чернишев олтин медални қўлга киритган.

САНКЦИЯГА КИРИТИЛГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ МУСОДАРА ҚИЛИНАДИ

Россия Президент Владимир Путин Европа Иттифоқида нисбатан жорий қилинган санкцияларни ўзайтиришга қаратилган фармонни имзолади. ЕИдан маҳсулотлар олиб кирилишининг тақиқланиши келаси йил охиригача амал қилади.



Путиннинг фармонида таъкидланишича, бу мамлакат хавфсизлиги манфаатлари учун қилинмоқда. Москва бу чораларни «контрсанкциялар» дея атайди. Бу чоралар 2014 йилда Қрим аннексиясидан сўнг Россияга нисбатан чекловлар жорий қилган мамлакатларга нисбатан қўлланилади.

Фармонга кўра, расмийлар дўкон пештахталарида бўлган санкцияларга киритилган озиқ-овқат маҳсулотларини ошқора йўқ қилади ёки уларни чегарада мусодара қилади.

Сўнгги тўрт йилда ўнлаб тонна маҳсулотлар трактор йилдираклари остида қолди ёки ёқиб юборилди. Кейинги ойлarda озиқ-овқат маҳсулотларининг қора рўйхатини кенгайтириш масаласида яхши тақлифлар илгари сурилмоқда.

Интернет материаллари асосида К.Қодиров тайёрлади.

“АГРОБАНК” АТБ ЖАМОАСИ

27 июнь – матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан журналистларни ва барча ижод аҳлини муборакбод этади.

Мамлакатимизда кечаётган иқтисодий ўзгаришларни, хусусан, “Агробанк” АТБ томонидан олиб борилаётган улкан кўламдаги савдо-ҳаракатларни, аҳоли ва мижозларга кўрсатилаётган кўплаб турдаги замонавий банк хизматларини кенг жамоатчиликка етказишда ва ҳолисона ёритилишида сизнинг улкан хизматларингиз борлигидан мамнунмиз.

Сизларга сўхат-саломатлик, оилавий бахт, тинчлик-хотиржамлик, файз-у барака ҳамда юртимиз равнақи йўлидаги масъулиятли ва шарафли фаолиятингизда улкан зафарлар тилаймиз.

Байрам муборак бўлсин!

www.agrobank.uz
tel. (71) 203 88 88

/AgrobankChannel
Agrobank Mobile иловасини юклаб олинг
Download on the App Store
GET IT ON Google Play
Хизматлар лицензияланган

“Туронбанк” акциядорлик тижорат банки Самарқанд филиали жамоаси

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан барча ижодкорларни касб байрамлари билан самимий қутлайди. Уларга мустаҳкам соғлиқ, ижодий баркамоллик тилаймиз.

Банк ўзининг “Келажак”, “Орзу”, “Барака”, “Имконият”, “Сармоя” сингари муддатли “Мобил омонат”, “Онлайн омонат”, “Эксклюзив” сингари дистанцион муддатли омонат турларини ҳамда жисмоний ва юридик шахслар учун қисқа ва узоқ муддатли имтиёзли кредит турларини тақдим этади.

Хизматлар лицензияланган.

► Китобхонлик

Бугунги ёшларимизнинг маънавияти, маданияти ҳақида сўз кетса, очиқ гап, ҳижолатпазликдан андак қизариб-бўзариб олишга тўғри келади. Сабаби сир эмас. Уларнинг аксарияти жамоат жойда ўзини тутишни, муомала маданиятини билмайди. Енгил-елпи кун кечириш, соҳтагарчилик фазилатга айланиб улгурди. Хўш, бундай ёшларни муқаррар маънавий таназулдан қандай қутқариш мумкин?



Уйингизда кутубхона борми?

Аввало, ёшларда китобга меҳр, ўқишга чанқоқлик уйғотиш зарур. Бу фикр, албатта, неча-неча бор қайта-қайта ўртага ташланган, шу сабабдан ҳам кўпларнинг энсасини қотириши турган гап. Лекин, наҳора, маънавий ҳалокатдан бизни фақатгина китоблар қутқара олади, хоҳласак-хоҳламасак-да, барибир яна шу фикр пойига бош қўяверамиз.

Китоб ҳаёлотимизни бойитиши, туйғуларимизни ўстиради, билимимизни оширади. «Китоб ўқимаганнинг куни ўтмайди», «Фалончи тўзқроқ мактаб кўрмаган бўлса-да, кўлида жарақ-жарақ пул ўйнайди», деган «ақилли» гап-сўзларни кўп эшитамиз. Бироқ ўша тахлам-тахлам пулларни санаб, ҳузурланиш учун ҳам қандайдир савия керак! Юксак савия эса китоб ўқиш орқалигина бўлади. Бундан ташқари, кўриб ёки эшитиб, ҳидлаб ёки силаб ҳузурланиш ҳам ҳис-туйғулар ишидир. Ҳис-туйғуга бой одамнинг ҳузурланиши (азобланиши ҳам!) неча чандон ортиқ бўлади. Ҳис-туйғулар эса, таъкидлаганимиздек, китоб ўқиш орқалигина ўстирилади.

Маҳалламизда бир қиз бозорда гул сотади. Юзлари кўпчилиги хамирдай, бўйи баста бак-бақалоқ. Ўша бир куни бизникига кириб, узо-оқ чайналиб, ўқиш учун китоб сўради. Мен хайрон қолдим. Чунки у китоб кўтарганини кўра «ўқимайди», дея киноя билан куладиган, дунёда пулни қудратидан бошқасини тан ол-

майдиган қиз эди. Қолаверса, китоб ўқиш учун саводи нечоғлиқ эканини ҳам билмасдим.

— Нима учун китобга қизиқиб қолдингиз? — сўрадим ундан.

Маҳалладош қиз гоҳ ерга, гоҳ осмонга қараб, минг бир ҳижолат ичида аранг «керак-да» деб қўйди. Сизиб турибман, у ўз фикрини айтмоқчи-ю бироқ эвини келтиролмай овора. (Худди шу ҳол ҳам китоб ўқимаганликнинг асорати). Мен ўша куни қизнинг савиясига мосроқ китоб топиб бериш учун ҳўб қийналдим. Охири «Чолиқуши» романини топиб берганим ҳамон эсимда.

Ўшанда қўшни қиз бир йилча муддат мендан китоблар олиб турди. Лекин кейинчалик китоб сўраб келмайдиган бўлди. Биз яқинда ноғоҳ урашиб хийла вақт суҳбатлашиб қолдик.

— Ўшанда нима учун китоб сўраб чиққанини айтмайми? — деди у.

— Ҳа, ўшанда уялиб гапирмаган эдингиз.

— Биласизми, — деди қиз ўйчан, — мен бозорда беш-олти йилдан бери гул сотаман. Тўғриси, гулларимни асосан рус тилида сўзловчилар олади. Олганда ҳам аллақандай меҳр билан кўзлари ёниб, гулларга термулишади. Ўзларича нималардир деб пичирлашади. Мен уларни узо-оқ кузатдим. Охири, миямда саволлар ғужон ўйнай бошлади: гўзаллик нима? Хўш, гулнинг жозибаси нимада? Нега анови но-

донлар мунча кўп гул сотиб олишади. Ахир, шу гулга бозордан бир дунё егулик харид қилса бўлади-ку? Бу гул деганлари уч-тўрт кундан сўнг сўлиб қолади, уни на еб бўлади, на кийиб... Хуллас, ўйлай-ўйлай барча саволларимга китоб ўқиб жавоб топишга қарор қилдим.

— Топдингизми? — сўрадим.

— Ҳа, — деди қўшним қулиб, — хатто керагидан ортиқ...

— Нега кейинги пайтлар китоб сўраб чиқмайсиз?

— Вў-ўй, сизни қаранг-га, — деди қиз ажабланганнамо, — ҳозир ўзимнинг шахсий кутубхонам бор. Агар бирор китоб керак бўлиб қолса, ҳеч тортинмай чиқаверинг...

Ҳа, сотувчи қиз буткул ўзгарганди. У китоб билан сирдош бўлиб тамом бошқача инсонга айланганди. Лекин китоблар унинг гул савдосига зиён-заҳмат етказмади, бадном қилмади. Аксинча...

Илгари қизнинг бозордаги эркакларга монанд бақир-чақирини бутун маҳалла эшитарди. Устидаги кийимлари кимматбаҳо бўлса-да, алланечук ирkitроқ кўринар, ўтган-қайтганинг ғашини кўзгарди. Энди эса... муомаласида, ўзини тутишида қандайдир жозиба пайдо бўлганди, юз-кўзларида сирли, ёрқин хаёллар кезиниб қолганди. Бунинг барчаси қизга чинакам, шарқона латофат бағишларди.

Хўш, болаларда қандай қилиб китобга меҳр уйғотиш мумкин? Қандай қилиб уларни худди компьютер ўйинларига қизиққандек, китобга қизиқтириш мумкин? Аввало, уйда китобхон учун муҳит бўлиши керак. Ҳар бир оиланинг ўз кутубхонаси бўлиши зарур. Зеро, болаларда энг илгари уйдаги муҳитга, уй жиҳозларига қизиқиш уйғонади. Бола ота-онасига тақлид қила бошлайди. Ана шундай пайтда болаларни китобхонликка осонгина мойиллаштира билади. (Бунинг учун, албатта, ота-онанинг ўзлари ҳам китобхон бўлмоғи керак).

Ҳозирги пайтда аксарият оилалар уй мебелларини кимматбаҳо

идиш-товоллар билан безашга ружۇ қўйган. Ахир, китоблар билан ҳам чиройли безаш имконлари бор-ку? Ана шу йўл билан ҳам шахсий кутубхона ташкил этиш мумкин. Хўш, шахсий кутубхона ташкил этишда нималарга аҳамият бериш жоиз? Менимча, аввало, китоблар ранг-баранг (бадий, илмий, фалсафий, диний) йиғилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Болаларнинг ёшига мос, содда, ранг-баранг суратли китоблар жавоннинг пастрок, яъни жажжиларимизнинг қўли етadиган, қизиқиш уйғонган пайти, ҳеч қурса, варақлаб кўриш имкони бўладиган қаторга терилиши керак.

Биз узоқ тарихимизга назар ташласак-да, олис аждодларимиз шахсий кутубхоналарга катта аҳамият берганини кузатамиз. Мисол тариқасида, ҳассос шоиримиз Абдулла Ориповнинг «Ҳақим ва ажал» достонини бир эслайлик. Ўша достонда ёш табиб шахсий кутубхонаси бўлишни орзу қилади. Табибнинг катта бир хизматидан сўнг Бухоро ҳукмдори унга бўйи баробар зар бермайди, аксинча, ўз шахсий кутубхонасидан фойдаланишга рухсат этади, шу ҳукмдорнинг тахтига талабгор ёш зодагон йигит эса табибни бадном қилиб, Бухоридан ҳайдаттиш учун айнан, кутубхонага ўт қўйишни танлайди. Ваҳоланки, у табибга тухмат қилиш учун бошқа ҳар қандай жиноятга қодир эди. Демак, бу тахтпараст ҳам ҳеч бир нарса ёнган кутубхона ўрнини босмаслигини яхши англаб етган.

Ҳа, тарихдан, бобо-момолар ҳаётидан маънавиятимизни кадрлашга, хусусан, кутубхоналар яратишга доир кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ аждодлар билан фахрланишга бизга буюк келажакни яратиб беролмайди. Келажакни маънавияти баркамол бўлган авлод яратади. Баркамол маънавиятнинг китоб, кутубхона яратиши шубҳасиздир.

Лукмон БҮРИХОН,
ёзувчи.

► Мужда

Канададаги каучук ишлаб чиқарувчи етакчи корхоналардан бирига раҳбарлик қилаётган ўзбек Анвар Бўронов асос солган Nova-BioRubber ширкати Буюк Британия соғлиқни сақлаш бизнес мукофоти танлови — Medilink U.K. Healthcare Business Awardsнинг инновацион материаллар номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

Ўзбек йигитининг хориждаги эътирофи



“Умид” жамғармаси йўлланмаси билан хориждаги нуфузли университетни тугатган Анвар Бўроновга қарашли Канаданинг Суррей шаҳрида жойлашган ширкат резина ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаради.

Хориж оммавий ахборот воситлари тарқатган хабарларга қараганда, Medilink расмийларининг маълум қилишича, Nova-BioRubber аллергия келтириб чиқармайдиган ва турғун йўл билан ишлаб чиқариладиган биопластик, резина ҳамда инулин учун мукофот билан тақдирланган.

Medilink эълон қилган матбуот баёнотида “Ҳақамлар ушбу матери-ал соғлиқни сақлаш соҳасидаги муҳим муаммони ҳал қилишга қўмаклашишини, аллергия келтириб чиқармайдиган ҳамда турғун биопластик санатга катта ижобий таъсир кўрсатишини айтишди”, дейилади.

мукофот билан тақдирланган материалларни кўксакчи ўсимлигидан ишлаб чиқарган. Кўксакчи қўқўйдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўт бўлиб, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистонда ўсади. Ундан юқори сифатли каучук олинади.

Nova-BioRubber маҳсулотлари латексга аллергияси бўлган шахслар учун қўл келади. Қолаверса, ширкат мазкур резинага талаб қулайиб бораётган бир пайтда уни барқарор ишлаб чиқариш йўлини тақлиф қилган.

Ширкат асосчиси ва директори Анвар Бўроновга мукофот Буюк Британиянинг Бирмингем шаҳрида топширилди. Баённомада ёзилишича, Medilink Буюк Британиянинг соғлиқни сақлаш технологияларини ишлаб чиқарувчи ширкатларнинг энг йирик тармоғи бўлиб, 1600 аъзоси бор.

Nova-BioRubber

Г.МАДАЛОВ

► Спорт

Мутахассис ва тарихчиларнинг қайд этишича, шахмат бир ярим минг йил аввал Чин юртида пайдо бўлган. Аммо шахмат ватанига ҳиндлар ва ўзбеклар ҳам даъво қилиб келади. Икки йилча муқаддам Тошкентда ўтган халқаро мусобақаларнинг бирида FIDEнинг ўша пайтдаги Президенти Кирсан Илхомовнинг шахматнинг келиб чиқиши ўзбек заминидан бошланганини тўғрисида аниқ маълумотлар топилишини таъкидлаган эди. Тарихдан маълумки, Марказий Осиёда, жумладан, бугунги Ўзбекистон ҳудудида ўтган ҳукмдорлар саройларида шахмат ва шунга ўхшаш ўйинлар ўйналганлиги аниқ фактлар орқали исботланган. Хусусан хоразмийлар, темирўйлар ва бобурийлар салтанатида шахматга эътибор катта бўлган. Албатта, ўша замондаги шахмат билан бундан 2000- 1000 йил аввал ўйналган шатранж фарқли бўлган. Аммо мазкур ақл гимнастикасининг мавқеи, шакл-шамойли бир-бирига яқин бўлгани аниқ.

Чемпион бўлиш осон эмас!

ёки Ўзбекистон шахмат тарихидаги биринчи аёл халқаро гроссмейстр Нафиса Мўминова ҳақида мухтасар ҳикоя

Шахмат — катта ақлий меҳнат талаб қиладиган мурракб спорт тури. Инсон ақл-заковатини чарқалайди, дунёқарашни, хотирасини мустаҳкамлайди. У, айниқса, болалар учун жуда фойдали. Айтганча, ҳозир мамлакатимизда шахмат умумтаълим мактаблари дастурига киритилган. Бу ўғил-қизлар таълим-тарбиясига ижобий таъсир этиши шубҳасиз. Тўғри, мурраббий-ўқитувчилар бора-

сида муаммолар йўқ эмас, малаҳали мутахассислар етишмайди.

Замонавий шахмат ривожига ўзбек шахмат мактабининг ўрни катта. Хусусан, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ақл гимнастикаси вакиллари ўз имкониятларини халқаро майдонларда кенг намойиш этиши учун катта майдон пайдо бўлди. 2004 йилда Ливия пойтахти Триполи шаҳрида ўтказилган

Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Рустам Қосимовнинг ўзбек шахмат тарихидаги энг катта ютуқ — Жаҳон чемпиони деган юксак шарафга эришган эди. Халқаро шахмат тарихида жаҳон чемпионилигини қўлга киритган ақл гимнастикачилари бармоқ билан санарли.

Расмий маълумотларга кўра, 1886 йилда шахмат бўйича ilk бор эркаклар ўртасида жаҳон биринчилиги ташкил этилган. Аёллар ўртасида эса жаҳон чемпионати 1927 йилдан ўтказиб келинади.



Ўзбек хотин-қизлари шахмат борасида ҳам кўпчиликлари дарс беради, десак муволаф эмас. Жумладан, Фаргона вилояти Кўкон шаҳрида шахматчилар оиласи донг таратган. Ота-боболаридан ўтган бу анъанани бугунги авлод ҳам юксак қадрлайди ва унга чин дилдан амал қилиб келади. Ушбу шахматчилар оиласидан орасинингилар Нафиса Мўминова, Хўлқар ва Гулрухбегим Тохиржоновна (иккаласи ҳам бир оила вакиллари) ўзбек шахматчилари орасида довраг қозонган. Хусусан оиланинг катта фарзанди Нафиса Мўминова қўлга киритган ютуқлар хотин-қизларимизнинг ақл-идрок борасида етуқ қобилиятга эга эканлигини бутун дунёга намойиш эта олди.

Нафиса — Ўзбекистон шахмат тарихидаги биринчи аёл халқаро гроссмейстр. 2013 йилда Жаҳон халқаро шахмат федерацияси унга “халқаро гроссмейстр” унвони берилганини эълон қилган.

Нафиса 1990 йил 1 февралда Фаргона вилояти, Ўзбекистон тумани, Қумбости қишлоғида туғилган. Тўрт ёшидан шахмат сирларини ўрганиб келади. Турли ёш тоифасида тўққиз қарра Ўзбекистон, аёллар ўртасида уч марта мамлакатимиз чемпиони бўлган. Халқаро миқёсда эса, икки қарра Марказий Осиё минтақавий турнири ғолиби, Жаҳон ва Осиё чемпионати иштирокчиси.

Қатор йирик мусобақаларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб давлатимиз байроғини баланд кўтариб келаятган спортчилардан бири. Жумладан, у китамизнинг энг йирик спорт тадбири — Осиё ўйинларида қумуш ва бронза медалларини қўлга киритган. Шунингдек, Марказий Осиё кубоғи ва Георгий Азиев хотирасига бағишланган халқаро турнирларда шоҳсупанинг энг юқори поғоналарини эгаллаб келмоқда. Айни кунларда у хотин-қизлар ўртасида Марказий Осиё-

тишувлар бўлади. «Кўш уясида кўрганини қилади» деганларидек, ана шундай муҳитда улғайган қизалоқ уч ёшидан оқ ва қора доналарга меҳр қўйди. Ота-онаси ёрдамида шахмат ўйнашни кўнгли билан ўрганди. Шахматдаги биринчи устози отаси эканлигини доимо таъкидлаб келади.

— Ҳа, шахматга кириб келишимга оилавий муҳит ва дадам сабабчи бўлганлар. Мен оиламизда тўнчи фарзандман. Дадам ҳам шахмат билан профессионал тарзда шуғулланган. Лекин у кишига халқаро мусобақаларда иштирок этиш насиб этмаган. Гарчи расмий мусобақаларда иштирок этмаган бўлсалар-да, дадамин жуда қучли шахматчи ва шахмат назарбегчиси деб биламан. Уч ёшимда шахмат доналарининг, юриш қондаларини ўргатганлар. Тўрт ёшимдан бошлаб дадамга қарши дона сурганман. Буни қўрган дадам “мен эришмаган ютуқларни шу қизим албатта қўлга киритади”

деб орзу қилган эканлар. Мендан кейин туғилган икки синглим Хўлқар ва Гулрухбегим ҳам шахматни танлашди. Болалигимизда биз уйда оилавий турнирлар ўтказар эдик, — дейди Нафиса.

Нафиса кейинчалик Кўкон шаҳридаги шахмат мактабида Анвар Алиев раҳбарлигида шуғулланди. Терма жамоага қабул қилинган сўнг Антон Филипповдан тахта устидаги «қураш»нинг туганмас сир-синоатларини ўрганди.

2007 йилда минтақавий саралаш мусобақасида биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпионатидаги йўлланма олди. Дунёнинг энг қучли 64 шахматчиси дона сурadиган ушбу турнирда у нафақат Ўзбекистон номини, балки минтақамиз шарафини ҳимоя қилди. Чунки Марказий Осиё минтақасига ажратилган ягона йўлланмани у қўлга киритди ва ўзбек хотин-қизларидан катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этган биринчи спортчи бўлди.

Ун йилдан ортиқ вақтдан буён шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси сафида халқаро мусобақаларда иштирок этиб келмоқда. 2010 йилда йигирма ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида қучли ўртликдан жой олди. 2011 йили I Марказий Осиё кубоғи ва 2012 йил Тошкентда ўтказилган “Тошкент оғон” халқаро шахмат турнирида хотин-қизлар ўртасида ғолиб бўлди.

Нафиса аёллар ўртасида жаҳон шахматда узоқ йиллар биринчилигини қўлдан бермай келган грузин атлетлари — шахмат тари-

ҳидаги бешинчи жаҳон чемпиони (1962-1978 йиллар) Нона Гаприндашвили, дунё биринчилигининг яна бир ғолибаси (1978-1991 йиллар), тўққиз қарра Олимпиада чемпиони Мая Чибурданидзе эгаллаган мавқега эришишни мақсад қилган. Бу йўлда шахмат тахтасида яратилган комбинацияларни, ўзига хос тактикаларни кўнгли билан ўрганади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, юртимизда болалар шахматини қўллаб-қувватлаш борасида катта тажриба тўпланган. Бу ўзининг юксак самараларини бераётган болалар ва ўсмирлар ўртасидаги халқаро мусобақалар, жаҳон ва Осиё чемпионатларида, шахмат олимпиадаларида фарзандларимиз муносиб қатнашяпти. Чемпионлиқни қўлга киритиб қайтишмоқда. Улар орасида, ҳам бўлса-да, қизлар ҳам бор. Бироқ улар улғайиб, катталар орасига киргандан кейин негaдир қўрқинмай қолаётми. Нега? Айни саволга дабдурустан жавоб бериш қийин албатта. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Нафиса Мўминова каби спортчиларни тарбиялаш ўз-ўзидан бўлмайди. Катталар ўртасида ҳам жаҳон чемпионатлари ва Олимпиадаларда биринчи ўринни эгаллаши учун эътибор ва шароитни янада яхшилаш зарур, чамаси. Эркаклар ва аёллар ўртасидаги мамлакат чемпионатларини мунтазам ўтказишни йўлга қўйиш ва ғолибларни рағбатлантиришнинг ўзига хос йўлларини топиш мақсадга мувофиқдир.

Жобир ХўЖАКУЛОВ.



Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан давлат субсидияси ажратилган “Харакатлар стратегияси — юксалиш стратегияси” номли лойиҳа асосида chop этилмоқда. (С/31)

➤ Мулоҳаза

Ёзувчи ҳақ: дунёни гўзаллик қутқаради. Бугун бунга гувоҳ бўлиб турибмиз. Пойтахтимиз кўчаларидаги гулларни кўриб қувонамиз. Одамлар юзидаги табассумдан кўнглимиз яшнайд.

Бугдой сўз

Бугун дунёда табиат мувозанати бузилаётган, атроф-муҳит, тоза ҳаво мусаффолиги танқис бўлиб қолган бугунги кунда инсон саломатлигини сақлаш кун тартибидеги биринчи масала бўлиб турибди. Бу борада мамлакатимизда ҳам хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Янги-янги шифохоналар, поликлиникалар, сихатгоҳлар очилляпти. Буларнинг ҳаммаси яхши. Аммо саломатлиқни сақлаш аввало, ҳар биримизнинг ўз кўлимизда. Бир-бирларимизга қанчалик яхшиликлар соғинашимизда.

Буюк аллома Абу Али ибн Сино "Дунёда чанг бўлмаса, инсон минг йил умр кўрган бўларди", деб бекорга айтмаганлигини ўз бошимизда синаб кўрмоқдамиз. Бугун ўша чангнинг қаторига инсон ўз кўли, ақл-идроки билан яратган қирғинбарот қуроллар ҳам қўшилгани баробарида, инсон умри қисқариб бораётганидан олимлар ташвиш чекмоқда. Мана шундай бир пайтда дунёнинг турли бурчакларида қонли тўқнашувлар юз бераётгани, турли табақаларнинг ҳокимият учун ўлиб-тирилиб жанг қилаётгани инсониятнинг

хамон зулмдан, ёмонликдан халос бўлмаганини кўрсатади.

Тарихда Искандар Зулқарнайндан қолган бир сабоқ кенг тарқалган: у ўзининг жасадини қабрга қўлларини очиб қўйишни тайинлаган. Токи у охиратга бўш қўл билан кетаётганини одамлар кўрсин. Дунёга ҳукмронлик қилишни орзу қилаётганларга бу ривоят хамон таъсир этмаяпти. Бу ривоят нафақат дунё сўраётганларга, айти пайтда ҳар биримизга ҳам тегишли. Айтилик, бугун тонгда уйқудан туриб қандай савобли юмуш билан шуғулланишимиз? Томорқангизда ўсаётган бир гулга сув қўйдингизми? Ёки бемор қўшингизнинг ҳолидан хабар олдингизми? Биласиз, унинг кўли калта. Дард тортапти. Дори-дармондан ёрдам берадиган мардга эҳтиёжи бор. Келинг, ўша мард сиз бўлинг. Бугдой сўзингиз билан одамни, яъни оламни қутқаринг!

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
журналист.

➤ Тафаккур

Муҳим иш

Инсонни севиш сув ва оловдан ҳам муҳимроқдир. Чунки мен сув ва олов одамларни ҳалок этганига қўл гувоҳ бўлганман. Буюк инсонни ардоқлаганларнинг ҳалокатга учраганини сира кўрмаганман.

Ташвиш чекма...

Ташвиш чекма, танимаса сени одамлар,
Ташвиш чеккин одамларни танимасликдан.

Хато

Ягона ва мудуш хато аввалги хатоларни тузатмасликдир.

Конфуций,
хитойлик донишманд.
(ми. аввалги 551-479 йиллар)

➤ Шеърят

Бу ер ҳали
зўр бўлади

Ибройим ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон ва
Қорақалпоғистон халқ шоири

Бахти ҳаёт кучорида
Эркаланган эл эдик биз.
Фаровонлик ўчоғида
Ўт сўмасини — тиладик биз.

Тўйдик сирмай теримизга,
Дилда йўқолди дийнат.
Шундай азиз еримизга
Ношукур қилдик хиёнат.

Адолатнинг ойнасидан
Қараб кўрсак ўзимизни,
Юлдуз излаб ой ёнидан,
Ёр босибди кўзимизни.

Нафсимиз палак ёни кенг,
Феълимиз-чи торайибди.
Энди, мана, ўзгалардан
Излаётимиз бор айбони.

Бир-боровга айб тақиб,
Баҳз талашиб ўтармиз биз.
Дарё ҳали тўлиб оқиб,
Созилма қайтар денгиз.

Денгиз қочган билан биздан,
Биз қочмаймиз уйимиздан.
Арава юрар янги издан,
Ишга ўтиб олсак сўздан...

3

Яратилмиш қандай одил!
Увола-савоб, инсофи мўл.
(Шум бўлганда одамдай ула
Тутар эди бошқача йўл.

Кучиларга пахта солиб,
Ожизларни хўрлар эди.
Яхшисин ўзига олиб,
Яқинларин қўллар эди...)

Яратилмиш одил қандай!
Улашганда бойликларин
Онанг бўлиб берган нондай,
Тенг улашиб берган барин:

Бировларга жуда буюк
Тоғ берса ҳам, ер бермаган.
Марол мантраб, оғча кийик
Югургудай қўл бермаган.

Бир ерлар хуш табиатли
Қирроуларнинг қанотидай.
Бирок неъматин йўқ тотли
Гулоби, тўр навотимдай.

Бировлар баллиққа жерик,
Бировларда — Адриатик...
Бировларга ёмғир бериб,
Кун бермаган жовдиратиб

Энг бой эллар маҳрум ҳатто
Буян томир, гаали қондан.
Японларнинг "тупроқ сот" деб
Ялангачини эшитганман.

Сиз билан макон қурган
Бу тупроқда бари ҳам бор.
Экин экин, ўсиб турган
Гиеҳларда дори ҳам бор.

Нор қамишли қўллариди
Ўйнайди сув парилари.
Янтоғнинг гулларидан
Бол йиғади арилари.

Кенг ҳовури далаида
Мол ёйиб, гоҳ сув кечганинг.
Қора тоғнинг соясида
Бир елпиниб чой ичганинг...

Меҳнатин ҳам, рожатин ҳам
Бошимиздан кечирганмиз.
Етти рангли суратин ҳам
Рухимизга кўчирганмиз.

Туғилган ер, азиз тупроқ,
Эл кечмас ҳеч қачон деган.
Теран томир отган дарахт —
Ватан деган, Ватан деган!

4

Даврон келар гуллаб-яшнаб,
Безанади бу ер ҳали.
Бизлар тузатмаган билан,
Тузалди бу ер ҳали.

Келар унинг ўз ағаси,
Ёш, ғайратли янги авлод.
Янги даврнинг даҳоси
Бу ерларни қилар обод.

Ер қадрини азиз билиб,
Бу тупроққа эҳди гул.
Биздай ўларманлик қилиб,
Қўмочига тортмайди қул.

Бахт-саодат чиқар пешвоз,
Келажак манзур бўлади.
Сабр қилинг яна бир оз,
Бу ер ҳали зўр бўлади.

Зар қадрини билар заргар,
Шундай аамон келди-ё!
"Ижарага оя-моя ер бер" —
Деб яланга бизга дунё...

Қорақалпоғ тилидан
Рустам МУСУРМОН
таржимаси.

1
Миш-миш бор: Қорақалпоқлар
Кўп вақт ўтмай кўчар эмиш,
Яхши ерга қўймоқ учун
Қўшлар каби учар эмиш.

Ўқидим бир газетадан,
Биз учун кўп ғамхўр бор-а!
Эримасдан тузиб чиққан
Ҳисоб-китоб, тадбир-чора.

Кўчган зўрмиш ўтиргандан,
Иқболимиз кулар эмиш.
Оролга сув келтиргандан
Анча арзон бўлар эмиш...

Ҳисоблаган чўтга солиб...
Эс-хушингни еб қўясан.
Чўтин қўлдан қилиб олиб,
"Ҳап, сеними!" деб қўясан.

Айримлар "миш-миш" га учиб,
Пуч ёроққа тўлаган қўйини.
Катта шаҳар томон қўчиб,
Ҳавас қилган янги уйини.

Майли, ўан билар ҳар ким,
Бу — билгичлар аамонидир.
Ёлғон-йишқ гапнинг балким
Шивирлаган шамолидир.

Башоратим бор соғина —
Барчага манзур бўлади.
Сабр айланг бир оғина,
Бу ер ҳали зўр бўлади.

Ичимлик сув тузали бўлса,
Ўз ризанинг, ўз тузинг бўлар.
"Сув борми?" — деб чўза-чўза
Туя бўйини узун бўлар.

Ости ҳам туз, усти ҳам туз
Яшаётган еримизнинг.
Аччиқ-ку деб нолимангиз
Томган манглай теримизини.

"Туз татиб кет!" дейди одам,
Нон-тузасиз дастурхон бўлас.
Сўзлаганда сўзингнинг ҳам
Тузи бўлса, ёмон бўлас.

Ҳеч ер етмас еримизга,
Қанча ёмон десангиз ҳам.
Тенг келмас жаннатда бизга
Қаср қуриб берсангиз ҳам.

Ахир, беор қорабароқ —
Ўт ёмас-ку одам деган.
Бир жойда ўсади дарахт
Ватан деган, Ватан деган!

2
Мўл сувини улуғ дарё
Кўк денгизга қуйган ерда,
Уй қурганда ота-бобо
Юртим дея суйган ерда

Илк бор қилган экан ният:
Кимки қилса ҳалола меҳнат,
Унумли ер шу одамга
Арвонадай ияр албат.

Эл дон сочиб, бўстон этган,
Дарё юрган ердир бу ер.
Таёғ санчсанг гуллаб кетган —
Худо берган ердир бу ер.

Биз шу ерда ўсиб-ўниб,
Қора уйли эл бўлганмиз.
Оғир меҳнатига қўниб,
Терлар тўкиб, сел бўлганмиз.

Бу ерлардан топан сеҳр
Қўшигимиз, эртагимиз.
Бу ер учун бериб меҳр,
Қуйиб-ёнган юрагимиз.

Ёқалашиб ёв келса ҳам,
Бу ерни ҳеч бермаганмиз.
Ким қай тилда сўзласа ҳам,
Тилини ёт кўрмаганмиз.

Қора уйми, кийиз уйми,
Хивасифат ҳовлими ё,
Бирдам қўниб тотув қўйда,
Бир чинорга содлик уя.

Қўнглимиз ҳам, оримиз ҳам
Бир тупроқда қуралашган.
Молимиз ҳам, жонимиз ҳам,
Қонимиз ҳам аралашган.

Далалари бир яйраса,
Денгизлари минг яйраган,
Чўпонлари мол хайдаса,
Шоирлари сўз хайдаган —



TURON
BANK

Лимончиликни Туронбанк билан ривожлантиринг!

«Туронбанк» АТБ томонидан

«Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида томорқа хўжалигида лимончилик лойиҳасини (ихчам иссиқхоналар қуриш, кўчатлар етиштириш ва агротехника хизматлари) амалга ошириш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратилади.

Лимончилик йўналиши бўйича кредит миқдори — оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун энг кам иш ҳақининг 150 бараварига, кичик тадбиркорлик субъектларига энг кам иш ҳақининг 1000 баробарига.

Кредитнинг йиллик йиллик ставкаси: 8 фоиз

Муддати: 5 йилгача.

Имтиёзли давр: 2 йил

www.turonbank.uz

turonbank

turonbank

turonbankuz



99895 144-60-00

Хизматлар лицензияланган

HURRIYAT



Муассис:
Ўзбекистон
Журналистлари
ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурашул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табақ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

Тахририятга келган
хатлар доимий
эътиборимизда бўлади.
Мақтубларингизни
кутамыз.

Адади: 3035
Буюртма — V-3537
1 2 3 4 5

Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими:
(0-371) 244-32-88

Топшириш вақти — 20%
Топширилди — 3%

Обуна индекси:
якка обуначилар ва
ташқиқлотлар учун —
233

Манзил: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета тахририят компьютер марказида терилди
ва дизайнер F.Мадалов томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Ё.Хўжамбердиев, Мусахҳиш: Ш.Убайдуллоева.
"O'zbekiston" НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.